

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ КАМ ТАМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР
БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИННИГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Покиза Ўринбоева

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

Мафура Мухтархоновна Инагамова

Илмий раҳбар: Тошкент давлат транспорт университети доценти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14551896>

Маълумки, ўзини-ўзи бошқариш ўрганларининг котиби фуқаролар йиғини ёки Комиссия баёни асосида ҳар ойнинг 1 (биринчи) кунигача қўрғон, қишлоқ, овул ёки махалла бўйича оилаларга моддий ёрдам тўлаш ведомостини тузади ва халқ банкининг тегишли бўлимига тақдим этилади.

Кам таъминланган оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдамни тўлаш ведомости қаътий хисобда турадиган билаенк хисобланади ва нусха қўчириш қофоз воситасида икки нусхада тузилади. Биринчи нусха котиб томонидан халқ банкининг тегишли бўлимига топширилади, иккинчиси фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ўрганида пул хужжатлари қаторида алоҳида йиғма жилдда сақланади¹.

Кам таъминланган оилаларга моддий маблағ билан таъминлаш махаллий молия органлари томонидан, тўлов ойининг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади ва ойнинг 15-кунида якунланади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўлов топшириқномаларини халқ банкининг тегишли бўлимларига маблағларнинг келиб тушишига кўра тақдим этадилар.

Аризачиларга пулларни бериш ҳар ойнинг биринчи кунидан бошлаб, ведомост бўйича, халқ банкининг маҳсус счётлар очилган бўлимларида амалга оширилади. Олувчи томонидан талаб қилиб олинмаган маблағлар кейинги ойда навбатдаги ёрдам пули билан бирга тўланади.

Аризачи узоқ (бир ойдан кўпроқ) вақт бўлмаган ёки вафот этган холларда моддий ёрдам оиланинг балоғатга етган бошқа аъзосига тўланиши мумкин, бунда ёрдамни олиш учун мазкур холатлар содир бўлган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай мурожаат қилган бўлиши керак бўлади.

Оиласа моддий ёрдам тўлаш қўйидаги холларда тўхтатилади:

- моддий ёрдам тўлаш муддати тугаганда;
- ёрдам кўрсатилаётган оиланинг моддий ахволи ўзгарганда;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарори таҳририда, ЎР ҚХТ, 2002 йил, 2-сон 22-модда

- доимий яшаш жойи ўзгарганда;
- оила азоларининг даромадлари тўғрисида бузиб кўрсатилган ва ишончсиз маълумотлар аниқланганда; Агар ушбу маълумотлар фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш органининг моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги қарорига таъсир қилиш мумкин бўлса.

Кам таъминланган оиласарга хар ойлик моддий ёрдам тўловига ажратилган, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан фойдаланилмаган мабларлар йил тугагач олиб қўйилмайди ва улар фуқаролар йигини ёки Комиссия қарорига биноан ахоли яшайдиган жойларни ободонлаштиришга, газлаштиришга, сув билан таъминлашга, шунингдек бошқа ижтимоий муаммоларни хал этишга йўналтириши мумкин².

Кам таъминланган оиласарга моддий ёрдамнинг тўғри хисобланишини, ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, Корақалпоғистон Республикаси

Вазирлар кенгашининг Раиси, вилоятлар, шахарлар ва туманлар хокимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги органлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кам таъминланган оиласарни ижтимоий химоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” ги Фармонига мувофиқ жорий этилган кам таъминланган оиласарни хисобга олиш, уларга хар ойлик моддий ёрдам (бундан кейин “моддий ёрдам” деб аталади) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди. Олдинги таҳрирга қаранг.

Кам таъминланган оиласарга харт ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг микдорини белгилаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўрғон, қишлоқ, овул ва шахар махаллалари фуқаролари йиғинлари, йиғинни ўtkазиш имкони бўлмагандан кўчалар, турап жойлар, қишлоқ, овул махаллалари фуқаролари вакилларининг йиғилиши ёки фуқаролар томонидан кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни хал этиш учун вакил қилинган комиссия таркиби фуқаролар йигини (вакиллар йиғилиши) томонидан фуқаролар йигини худудида истиқомат қилувчи энг обро-этиборли ва хурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Ушбу Комиссияга фуқаролар йигинининг раиси бошчилик қиласи³.

Комиссия азолари 2 йил муддатга, фуқаролар йигини раиси эса унинг бутун ваколати даврига сайланади. Мазкур комиссия азоларининг таркиби камида 20 киши.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарори

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарори таҳририда, ЎРҚХТ, 2002 йил, 2-сон 22-модда

Бунда комиссия таркиби, раисдан ташқари, хар йили 50 фоизга янгиланади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кам таъминланган оилаларни аниқлашда ва уларга моддий ёрдам тайинлашда қуидаги асосий қоидаларга амал қилишлари керак:

- ижтимоийadolatтагасўзсиз қатыйриоя қилиш;
- ўрсатилаётган моддий ёрдамнинг адресли бўлишини, хақиқатдан мухтож оилаларга берилишини таъминлаш;
- оилалар ва фуқаролар томонидан ахолини ижтимоий химоя қилиш чораларига боқимандаларча ёндашишга йўл қўймаслик;

Оила аъзоларининг, айниқса болаларнинг моддий фаровонлигини оширишда оила масъулиятини ошириш, хар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланиш, билим ва қасб-хунар даражасини ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш.

Хар ойлик моддий ёрдам оиласага 6 (олти) ой муддатга тайинланади ва тўланади.

Ушбу муддат тугагач, агар оиласада моддий ахвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам махкур низомда белгиланган янги муддатга тайинланиши мумкин.

Қуидагилар оилаларга хар ойлик моддий ёрдам тўлашни маблағ билан таъминлаш манбалари хисобланади⁴.

Республика бюджети маблағлари, махаллий (вилоят, шаҳар ва туманлар) бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари турли манбалар (жамоат ва хайрия жамғармалари, корхона ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эхсонлари ва бошқалар).

Мазкур маблағлар қўргон, қишлоқ, овлу ёки махалла фуқаролари ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамғарма банкининг тегишли муассасаларидаги маҳсус счётларига ўтказилади ва олиб қўйилмайди.

Оиласага хар ойлик моддий ёрдам тайинлаш шартлари. Моддий ёрдам фуқароларнинг доимий яшаш жойидаги ўзини-ўзи бошқариш органларига ёки қўргон, қишлоқ, овлуларга ёзма равишда ариза билан ёрдам сўраб мурожаат қилган оилаларга, айрим холларда эса фуқаролар йигини раиси(оқсоқоли) нинг тавсиясига биноан тайинланади.

Аризага тасдиқланган шакл бўйича оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Бектив сабабларга кўра оиласага биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар (балоғатга етмаган болалари

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 30 апрелдаги 87-сонли қарори таҳририда ЎР ҚХТ, 2007 йил, 17-18-сон, 184-модда

бўлган кўп болали оилалар, боқувчиси ногирон ёки меҳнат қобилятини қисман йўқотган суринкали касал оилалар, ишсизларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа шта мухтож оилалар) хар ойлик моддий ёрдам олиш хукуқига эгадирлар.

Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун асос сифатида оиланинг қонун хужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ аниқланган ўртacha ойлик жами даромади миқдори қабул қилинади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи хисоб рақамидаги пул маблағлари миқдоридан ва моддий ёрдамнинг белгиланган миқдорларидан келиб чикқан холда моддий ёрдам кўрсатиш учун мезонлар ва асосларни мустақил равишда белгилайди.

Бунда моддий ёрдам тайинлаш учун оиланинг бир азосига тўғри келадиган ўртacha ойлик жами даромад миқдори жами жами даромад аниқланадиган даврда белгиланган энг кам ойлик иш хақининг 1,5 бараваридан кўп бўлмаслиги керак.

Оилага моддий ёрдам кўрсатиш хақидаги ариза ва тўланадиган ёрдамни хисобга олиб бориш қўрғон, қишлоқ, овул ёки маххала йиғини раисининг котиби томонидан юритилади.

Аризачининг моддий ёрдамга муҳтожлик даражасини ва унга бериладиган ойлик моддий ёрдамнинг миқдории белгилаш учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари хузурида маҳсус комиссиялар тузилади, унинг таркибида ушбу органларнинг маслаҳатчилари, котиби, шунингдек, зарурат бўлганда туман (шахар) солиқ хамда молия органларининг маслаҳатчилари, котиби, Бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг вакиллари киради.

Маҳсус комиссия ариза тушган кундан бошлаб икки хафта муддатга ёрдам сўраган оилалнинг моддий ва мулкий ахволини текширади. Текширув натижалари 1-иловага мувофиқ шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг барча аъзолари имзолайдилар.

Далолатномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- Текширилаётган оиланинг таркиби, унда бирга яшовчиларнинг хаммаси, қариндошлиги бўлган ва бирга умумий рўзгор юритувчилар хисобга олинади.
- Оиланинг доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва Бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида рўйхатга олинмаган меҳнатга қобилиятли ёшдаги аъзолари, бола икки ёшга тўлгунга қадар унга қаровчи аёллар, 18 ёшгача бўлган ўқувчилар бундан мустасно.

Хулоса қилиб айтганда, болалар нафақаси 12 ой муддатга тайинланади, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича ўн саккиз ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Моддий ёрдам бола(болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оиласарга ва якка-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади.

Агар бир оиласада туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган болалар эгизак бўлса, уларнинг бири ёши 3 ёшгача бўлган кичик бола, кейингилари мос равишда иккинчи, учинчи ёки тўртинчи хисобланади.

«Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оиласар (шахслар) қўшимча хужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этмасдан, қонунчилик хужжатларида ушбу тоифадаги оиласар (шахслар)га белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартларда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлардан фойдаланишга ҳақлидир.

2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оиласарга нафақа, бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ҳамда кам таъминланган оиласарга моддий ёрдамни тўлаш муддатлари тугагунига қадар, мазкур турдаги нафақалар ва моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг кам таъминланган оиласар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оиласарга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдамни автоматик тарзда, кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатишнинг янги тартибига асосан нафақа миқдори ошиши назарда тутилган фуқаролардан қўшимча ариза ва хужжатлар талаб этмаган ҳолда, кам таъминланган оиласарга болалар нафақасига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари мақулланади.